



100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-15

«31» Февраль 2018 й.г.

**"Ўздонмаҳсулот" акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси
С.Хайдаровга**

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ушбу депутат сўрови Сизга "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 12-моддасига асосан юборилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва топшириқларига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари ҳудудларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишда амалий кўмак кўрсатиб келмоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг январь ойида Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва Вазирлар Маҳкамаси вакилларидаш тузилган ишчи гуруҳи уйма-уй юриб фуқаролар билан учрашувлар ўтказилди ва тегишли соҳалар ўрганилди.

Ушбу даврда ҳудудни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 июлдаги "Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури" тўғрисидаги 557-сонли Қарори ижроси ўрганилганда, унинг 10-иловасида "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси Хонобод шаҳридаги фаолият юритмаётган Андижон тиббиёт институти оромгоҳига бириктирилиб, 500 млн. сўмлик реконструкция ва қурилиш ишларини амалга ошириш вазифаси белгиланган бўлсада, ҳозиргача объектда фақат лойиҳа-кадастр ишлари амалга оширилаётганлиги маълум бўлди.

Хурматли Сурат Очилович,

Ўзбекистон Республикаси "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига асосан 2018 йил 10 февраль кунига қадар Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорининг ижросини таъминлаш борасида компания томондан амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумотларни тақдим қилишингизни сўраймиз.

Хурмат билан,


О.Эгамов

А.Тўхтабаев

Тел: (8371) 2392679
2392618